



**КАРОРИ**

**КАРАРЫ**

Нөүсешлари

Нөүсешлари

№ 262

« 18 » апрель 2018 й.ж

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 16 апрелдаги  
“Диний-марърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш  
чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5416-сонли Фармони ҳақида**

Халқимизга азал-азалдан хос бўлган маръифатпарварлик, бағрикенглик, меҳр-мурувват, бунёдкорлик каби эзу фазилатлар ва кадрларимизни кенг тарғиб қилиш, жамиятда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлашда диний-марърифий соҳа вакилларининг ўрни ва иштирокини ошириш, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 16 апрелдаги ПФ-5416-сонли Фармонининг ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Кенгаши қарор қилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 16 апрелдаги “Диний-марърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5416-сонли Фармони ижро учун раҳбарликка олинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг маъмур Фармони билан:

а) **Қуйидагилар:**

“жаҳолатга қарши маръифат” улғувор ғоя асосида диннинг асл инсонпарварлик моҳиятини, эзгулик, тинчлик ва инсонийлик каби фазилатлар азалий кадрларимиз ифодаси эканлигини кенг ёритиш ва бу соҳадаги илмий-марърифий фаолиятни жадал ташкил этиш;

ислом ва жаҳон цивилизациясига бебаҳо ҳисса қўшган аждоқларимизнинг бой маданий меросини чуқур ўрганиш асосида ёшларнинг онгу тафаккурини шакллантириш;

динни эъравонлик ва қон тўкиш билан бир қаторга қўядиган бузғунчи ёт ғояларнинг асл моҳияти ва мақсадлари ҳақида ақолнинг, айниқса, ёшларнинг ҳабардорлик даражасини ошириш;

жамиятда миллий ва диний кадрларимизга ёт бўлган ғояларга нисбатан тоқатсизлик муҳитини шакллантириш;

жамиятда бағрикенглик, ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат, тинчлик ва тотувлиқни, ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлашда диний-марърифий соҳа вакилларининг дахлдорлик ҳисси ва иштирокини янада ошириш;

диний-марърифий ташкилотларнинг молдй-техника таъминотини мустақамлаш, соҳа вакиллари меҳнатини муносиб рағбатлантириш ва ижтимоий Ҳимоқсини қучайтириш;

глобаллашув шароитида жамиятимиздаги ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлиги ва эътиқод эркинлигига таҳдид туғдириши мумкин бўлган омилларни барвақт аниқлаш ва олдини олишга қаратилган аҳборот-таҳлилий фаолиятни қучайтириш;

диний ва дунёвий билимлар уйғунлигини ривожлантириш асосида таълим сифатини ошириш, диний-марърифий соҳада малакали кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг яхлит тизимини яратиш диний-марърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари этиб белгиланганлиги:.

б) Диний-марърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар дастури 1-иловага мувофиқ тасдиқланганлиги;

в) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита тузилишида 15 та штат бирлигидан иборат Диний-иқтимоий жарайларни ўрганиш аҳборот-таҳлил маркази (кейинги ўринларда Марказ деб юритилади) ташкил этилганлиги;

Марказ Дин ишлари бўйича қўмитанинг диний мавзуларга оид адабиётлар, Интернет ва оммавий ахборот воситалари материалларини чуқур таҳлил қилиш, диний-иқтимоий муҳитнинг барқарорлигига салбий таъсир қўрсатувчи омилларни барвақт аниқлаш ва баргараф этиш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқиш фаолиятини амалга оширадиган ахборот-таҳлилий тузилишаси ҳисобланиши;

г) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг Ўзбекистон ислом академияси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тошкент ислом университети негизида Ўзбекистон халқаро ислом академиясини ташкил этиш тўғрисидаги тақлифи маъқулланганлиги;

Ўзбекистон халқаро ислом академияси:

Ўзбекистон мусулмонлари идораси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита муассислигидаги Қуръон илмлари, ҳадис, ислом ҳуқуқи, ақида, тасаввуф, ислом иқтисодийети ва молияси, халқаро муносабатлар, хорижий тиллар (араб, форс, инглиз, рус, урду, турк ва б.) ва бошқа халқаро микёсда эхтиёж мавжуд бўлган соҳалар бўйича

малакали кадрларни тайёрлашга, ўрта махсус, олий таълим, олий таълимдан кейинги таълим, малака ошириш боғиқчиларида ўзлуқсиз таълимнинг яхлит тизимини ташкил этишга ва илмий меросни чуқур талки қилиш ва асраб-авайлашга, диний ва дунёвий билим беришга ихтисослашган етакчи таълим ва илмий-тадқиқот муассасаси хисобланиши;

республикадаги барча ислом таълим муассасалари фаолиятини ўқув-методий ва ўқув-услубий жиҳатдан таъминлаш ҳамда мувофиқлаштиришни амалга ошириши;

Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетни маблаглари ва қонунда тақкиланмаган бошқа манбалар хисобидан молиялаштирилиши;

хуқуқ ва мажбуриятлар бўйича қайта ташкил этиладиган Ўзбекистон ислом академиясининг ҳамда Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Тошкент ислом университетининг хуқуқий вояси хисобланиши белгиланганлиги;

Ўзбекистон халқаро ислом академияси битирувчиларига умумтаълим мактаблари, ўрта махсус ва олий таълим муассасаларида соҳага тегишли фандар бўйича педагогик фаолият билан шуғулланиш хуқуқи берилганлиги;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон “Олий таълим тизимини янда ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорининг 14-бандида белгиланган имтиёзлар Ўзбекистон халқаро ислом академиясига ҳам татбиқ этилганлиги;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига бир ой муддатда Ўзбекистон халқаро ислом академияси фаолиятини ташкил этиш ва кўллаб-қувватлаш тўғрисидаги қарорни қабул қилиш топширилганлиги;

**д) Ўзбекистон халқаро ислом академияси таркибида Қорақалпоғистон Республикаси, Самарқанд, Наманган ва Сурхондарё вилоятлари минтақавий филиалларига эга бўлган Малака ошириш маркази ташкил этилиши инобатта олинганлиги;**

Малака ошириш маркази ва унинг минтақавий филиалларида имом-хатиблар, имом ноиблари, диний соҳа мутахассислари, давлат ва жамоат ташкилотлари ходимлари, олий ва ўрта таълим муассасаларининг соҳага тегишли педагог кадрлари қайта тайёрларикдан ўтиши ва малака ошириши;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига бир ой муддатда Ўзбекистон халқаро ислом академияси Малака ошириш маркази ва унинг минтақавий филиаллари фаолиятини ташкил этиш ва кўллаб-қувватлаш тўғрисидаги қарорни қабул қилиш топширилганлиги;

е) Ўзбекистон халқаро ислом академияси хузуридаги “Зие” медиа маркази мамлакатимизда диннинг асл инсонпарварлик моҳиятини, аждодларимизнинг ислом ва жаҳон цивилизациясига кўшган бой диний-илмий меросини кенг тарғиб қилувчи, диний-маррифий ҳаётдаги янгиликларни жамоатчиликка етказувчи асосий медиа тузилма сифатида шакллантирилганлиги;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ўч ой муддатда “Зие” медиа маркази ишнини самарали ташкил этиш мақсадида уни алоқа воситалари, кенг қамровли Интернет тармоғи, замонавий телестудия, телевизион ускуналар жамланмаси, компьютер техникалари, дастурий таъминот ва бошқа техника воситалари билан таъминлаш чораларини кўриш топширилганлиги;

“Зие” медиа маркази 2021 йилнинг 1 майига қадар белгиланган тартибда тақкиланмаган рўйхатлар бўйича республикада ишлаб чиқарилмайдиган, замонавий телестудия ташкил этиш учун зарур бўлган асбоб-ускуналар, компьютер ва сервер техникаси, техника воситалари, шумингдек, бошқа моддий-техника ресурсларини олиб кириш учун божхона тўловларини (божхона расмийлаштируви учун йнгишлар бундан мустасно) тўлашдан озод этилганлиги;

ж) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Дин ишлари бўйича кўмита, Ўзбекистон мусулмонлари идораси ва Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси марказининг олий диний-маррифий таълим муассасаси шаклидаги **Ҳадис илми мактабинини ташкил этиш** тўғрисидаги тақлифи қабул қилинганлиги;

Кўрғони қарим ва ҳадисларнинг асл моҳиятини, ҳадис илмининг илмий-назарий асосларини чуқур ўрганган, ҳадис илми ривожига бекиб хисса қўшган улғу ватандошларимизнинг улкан илмий меросини пухта ўзлаштирган, ҳадисшунослик соҳасида илмий изланишлар олиб бориш кўникмасига эга мутахассисларни тайёрлаш ҳамда ҳадислардаги эзгу умуминсоний ғояларни халқимиз, айниқса, ёш авлодга етказиш Ҳадис илми мактабининг асосий вазифалари этиб белгилангани инобатта олинганлиги;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига бир ой муддатда Ҳадис илми мактаби фаолиятини ташкил этиш ва кўллаб-қувватлаш тўғрисидаги қарорни қабул қилиш топширилганлиги;

з) Ўзбекистон мусулмонлари идораси хузуридаги Муқаддас қадимжоларни сақлаш ва обод этиш хайрия жамоат фонди Васийлик кенгаши мажкур фондни туғатиш тўғрисида қарор қабул қилганлиги, Ўзбекистон мусулмонлари идораси хузурида **“Вақф” хайрия жамоат фонди ташкил этилганлиги**, 2-иловага мувофиқ ушбу жамоат фондининг Васийлик кенгаши таркиби маъқуланганлиги маълумот учун қабул қилинганлиги;

**“Вақф” хайрия жамоат фондининг асосий вазифалари** этиб қуйилганлиги белгиланганлиги;

фуқароларнинг диний, маънавий ва интеллектуал салоҳиятини оширишга қаратилган ташаббусларини кўллаб-қувватлаш, миллий ва диний кадриятларимизни асраб-авайлаш;

масжидлар ва диний таълим муассасаларининг биноларини куриш, таъмирлаш, реконструкция қилиш, ободонлаштириш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш;

тарихий-мъёморий аҳамиятта эга зиёратгоҳларни сақлаш, таъмирлаш, ободонлаштириш, уларнинг инфратузилмасини янада ривожлантириш;

диний таълим муассасалари, илмий-тадқиқот марказлари фаолиятини молиқлаштириш, уларнинг профессор-ўқитувчилари, тадқиқотчилари, мутахассислари ва ўқувчи-талабаларини моддий ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш;

масжидлар ва зиёратгоҳлар ходимларини, хусусан имом-хатиблар, имом ноиблари, мутаваллилар, муаззинларни моддий ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш;

ислом илм-фани ва маданияти ривожига улкан ҳисса қўшган буюк аждоқларимиз, замонамизнинг етук олим ва уламолари қаламига мансуб диний-маърифий асарларни чоп этиш ва аҳолига етказишга қўмаклашиш;

юртмиздаги муқаддас зиёратгоҳ ва қадимжоларнинг мусулмон дунёсидаги нуфузини янада ошириш, бу масканларга маҳаллий ва хорижий фуқароларнинг зиёратларини уюштириш, зиёратчилар учун зарур шароитлар яратиш;

аҳолининг ижтимоий ҳимоят муҳтож катламлари, шу жумладан имконияти чекланган шахсларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси Хузуридаги Дин ишлари бўйича кўмига билан биргаликда Ўзбекистон мусулмонлари идорасига бир ой муддатда “Вақф” хайрия жамоат фондининг молиявий-хўжалик фаолиятини ташкил этиш, фуқаролардан закот, фитр ва бошқа хайрия маблағлари сифатида тушадиган маблағлар Фондининг алоҳида ҳисоб рақамда тўпланиши, замонавий ахборот технологияларидан фойдаланган (шу жумладан, Интернет тармоғи орқали онлайн кузатиш имкониятини яратган) ҳолда маблағларнинг тушиши ва сарфланишида тўлиқ шаффофликни таъминлаш бўйича амалий кўмак бериш кайд этилганлиги;

и) Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Маданият вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Дин ишлари бўйича кўмига, Давлат солиқ кўмитаси ва Ўзбекистон мусулмонлари идораси билан биргаликда уч ой муддатда республикадаги барча муқаддас зиёратгоҳ ва қадимжоларни ўрганиб чиқиш ҳамда уларнинг ташкилий-хукукий асосларини такомиллаштириш бўйича аниқ тақлифлар ишлаб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасига киритиш топширилганлиги;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига 2018 йил 1 июлга қадар ўрганиш натижалари асосида муқаддас қадимжо ва зиёратгоҳларни “Вақф”

хайрия жамоат фондида фойдаланиш учун ижарага бериш ҳукуқи билан бириктириб беришни назарда тутувчи қарорни қабул қилиш топширилганлиги;

Муқаддас қадимжо ва зиёратгоҳлар моддий маданий мерос объектлари ҳисоблангани ҳамда уларнинг талаб даражасида муҳофаза қилиниши устидан Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги томонидан давлат назорати ўрнатилгани;

к) Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг “Вақф” хайрия жамоат фонди маблағлари ҳисобидан ушбу идора тизимидаги диний-маърифий ташкилотларда:

фаолият юритаётган ходимларга, шу жумладан имом-хатибларга ойлик иш хақи тўлаш;

фаолият юритаётган уй-жойга муҳтож ходимларни хизмат уй-жойлари билан таъминлаш;

кўп йиллар давомида намунали фаолият юритаётган, уй-жойга муҳтож имом-хатибларга янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича қурилаётган уй-жойларни сотиб олиб, текинга бериш тўрисидаги тақлифи қабул қилинганлиги;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлиқларига Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг буюртмасига асосан идора тизимидаги диний-маърифий ташкилотлар ходимларига хизмат уй-жойлари ва уларга сотиб олиб бериш учун янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича қурилаётган уй-жойларнинг ажратилишини таъминлаш топширилганлиги;

л) 2018 йил 1 июлдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Дин ишлари бўйича кўмига, Ўзбекистон халқаро ислом академияси, Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази, Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот марказида ишловчи:

ўқитувчи, илмий ходим ва мутахассисларга ягона тариф сеткаси бўйича меҳнатга ҳақ тўлаш разрядларига кўра тариф коэффицентлари ва базавий лавозим машошлари 3 барабар (Марказ ходимларига – 4 барабар) миқдорда қўлланилиши;

пенсонерларга уларнинг ушбу ташкилотлардаги фаолияти ягона бўлган тақлирда пенсиялари тўлиқ тўланиши;

Мазкур банднинг учинчи хатбошиси барча диний-маърифий ташкилотлар ходимларига таъбиқ этиш белгиланганлиги;

м) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Дин ишлари бўйича кўмига, Фанлар академияси, Маънавият ва маърифат маркази, Ўзбекистон мусулмонлари идораси ва кенг жамоатчиларнинг ислом илм-фани

ва маданиятига бекиёс хисса кўшган буюк аждоқларимизнинг ибратли ҳаёти ва бой илмий меросини чуқур ўрганиш, мамлакатимиз доврғини жахон миқёсида кенг ёйиш ишита муносиб хисса кўшиб келаётган шахсларни рағбатлантириш мақсадида **“Имом Бухорий”** давлат мукофотини таъсис этиш ҳақидаги тақдифи кўллаб-қувватланганлиги;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига бир ой муддатда мазкур давлат мукофотини таъсис этиш чора-тадбирлари тўғрисидаги тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини киритиш топширилганлиги;

н) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридати Дин ишлари бўйича кўмитата Адлия вазирлиги билан биргаликда диний-маърифий соҳада намунаги фаолият коритаётган, ижтимоий-маънавий ишларда алоҳида ўрнат қўрсатаётган соҳа вакилларини рағбатлантириш, шу жумладан давлат мукофотларига тақдим этиш бўйича тақдифларни Ўзбекистон Республикаси Президентни девонига киритиб бориш топширилганлиги;

о) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридати Дин ишлари бўйича кўмитата:

бир ҳафта муддатда кўмита фаолиятини такомиллаштириш ва унинг янгиланган тўғилмасини тасдиқлаш ҳақидаги Ўзбекистон Республикаси Президентни карори лойиҳасини ишлаб чиқиш;


Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақдифлар киритиш топширилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. Қорақалпоғистон Республикасида диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар дастури иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор вазирликлар, идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу карорга мувофиқлаштирилишини таъминласин.

5. Мазкур карорнинг бажарилишини назорат қилиш Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосарлари А.Тажетдинов, М.Жуманов, М.Алеуов зиммаларига юклансин.

Қорақалпоғистон Республикаси  
Вазирлар Кенгашининг Раиси  
**К.Сариев**



Қорақалпоғистон Республикаси  
Вазирлар Кенгашининг  
2018 йил “18” апрелдаги  
*[Signature]* -сон карорига илова

**Қорақалпоғистон Республикасида Диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш бўйича  
ЧОРА-ТАДБИРЛАР ДАСТУРИ**

№	Тадбир номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
<b>Диний-маърифий соҳада таълим-тарбия тизимини такомиллаштириш, кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш</b>				
1.	Ўзбекистон мусулмонлари идораси тасарруфидаги муассасаларда фуқароларга муқаддас Куръони қаримни ўргатувчи махсус курслар ташкил қилиш.	1. Ўзбекистон мусулмонлари идораси томонидан қабул қилинган буйруқ асосида иш олиб бориш. 2. Махсус курсларни ташкил қилиш.	2018 йил апрель  Доимий равишда	Қорақалпоғистон мусулмонлари қозийти (Ш.Бауатдинов), Адлия вазирлиги (Ж.Садықов)
2.	Умумтаълим мактабларида “Дунё динлари тарихи”. ўрта махсус ва олий таълим муассасаларида “Диншунослик” ва “Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашишнинг маънавий-маърифий асослари” фанларининг ўқув дастурлари ва дарсликларини, малакали кадрлар билан таъминланганлигини ўрганиш, мавжуд камчиликларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.	1. Тадбирлар режасини ишлаб чиқиш. 2. Таълим муассасаларида кўрсатиб ўтилган фанларнинг ўқитилишини, малакали кадрлар ҳамда дарсликлар, ўқув қўлланмалари, диний экстремизм ва терроризм, миссионерлик фаолиятига қарши курашиш бўйича кўргазмалари ва медиаматериаллар билан таъминланганлигини ўрганиш. Ўрта махсус ва олий таълим муассасаларида мазкур ўқув фанларининг ўқитилишини такомиллаштириш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини тайёрлаш ва киритиш.	2018 йил май	ҚР Халқ таълими вазирлиги (А.Аяпов), Ўрта махсус касб хунар таълими бошқармаси (Қ.Қанглыбеков), Олий таълим муассасалари, Молия ваирлиги (М.Содиқов), Қорақалпоғистон мусулмонлари қозийти (Ш.Бауатдинов)
3.	Таълим муассасаларида Ўзбекистон Республикасининг “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Қонунни ўрганишга бағишланган “Ахборот соати” ва “Маънавият кунлари”ни ўтказиш ишларини янада такомиллаштириш.	1. Қонун ҳужжатларини ўрганишга бағишланган “Ахборот соати” ва “Маънавият кунлари”ни ўтказиш бўйича услубий қўлланмаларни ишлаб чиқиш. 2. Олий ва ўрта махсус таълим, халқ таълими вазирларининг кўрсатиб ўтилган тадбирларни ўқув дастурига киритиш бўйича чиқарилган буйруқлари асосида ишларни ташкил қилиш.	Алоҳида режа асосида	ҚР Халқ таълими вазирлиги (А.Аяпов), Ўрта махсус касб хунар таълими бошқармаси (Қ.Қанглыбеков), Олий таълим

		3. “Ахборот соати” ва “Маънавият кунлари”ни ўтказиш бўйича синф раҳбарлари ва ўқитувчилар учун семинар-тренинглари ташкил этиш.		муассасалари, Маънавият ва маърифат маркази Қорақалпоғистон бўлими (Юсупов.Қ)
<b>Миллий ва диний кадрларимизни асраб-авайлаш, зиёрат туризми учун шароитлар яратишга оид ташкилий чора-тадбирлар</b>				
4.	Диний ибодатни адо этиш учун қулай шароитларни яратиш, мамлакатда зиёрат туризмини ривожлантириш мақсадида жамоат жойларида замонавий талабларга жавоб берадиган санитария-гигиена узеллари (ҳожатхоналар) ва таҳоратхоналар қурилишини таъминлаш. Бунда катта магистрал йўлларнинг бўйида давлат-хусусий шериклик асосида ибодат қилувчилар учун тегишли инфратузилмани шакллантириш.	1. Жамоат жойларидаги санитария-гигиена узеллари (ҳожатхоналар) аҳволини, таҳоратхоналарга бўлган эҳтиёжни ўрганиш бўйича ишчи гуруҳ ташкил қилиш. 2. Ишчи гуруҳ томонидан иш режа лойиҳасини ишлаб чиқиш. 3. Туман, шаҳар ҳокимликларининг қарорлари билан комплекс иш режани тасдиқлаш, мавжуд санитария-гигиена узеллари (ҳожатхоналар)нинг аҳволини яхшилаш, уларни таъмирлаш, қайта қуриш. 4. Амалга оширилган ишлар ҳақида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига ахборот киритиш. 5. Қонун ҳужжатларига, шаҳарсозлик норма ва қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклифлар тайёрлаш, санитария-гигиена узелларининг намунавий лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва Вазирлар Кенгашига киритиш.	2018 йил апрель  2018 йил май  2018 йил сентябрь  2018 йил сентябрь  2018 йил июль	Туман, шаҳар ҳокимликлари, ҚР Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси (Б.Кусеєєєє), Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Д.Ходжиев), Қурилиш вазирлиги (Ж.Ембергенов), ҚР автомобиль йўллари бош бошқармаси, Қорақалпоғистон муслмонлари қозие̄ти (Ш.Бауатдинов),
5.	Муқаддас қадамжолар ва зиёратгоҳларга ташриф буюрувчиларнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида фойдаланиладиган электрон турникет тизимини ўрнатиш.	1. Муқаддас қадамжолар ва зиёратгоҳларни аниқлаш, рўйхатини тузиш. 2. Муқаддас қадамжолар ва зиёратгоҳларга электрон турникет тизимини ўрнатиш.	Алоҳида режа асосида	Туман (шаҳар) ҳокимликлари, Қорақалпоғистон муслмонлари қозие̄ти (Ш.Бауатдинов), ҚР ИИБ (А.Темирханов)

